



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 4 июль, № 129 (6059)

Жума

## ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори юртдошларимиз томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Бугун шахар қишлоқларимизда энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мана шундай шуқуҳли дамларда босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, барча соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар мисолида ИСТИҚЛОЛ, деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрини янада теранроқ ҳис этамиз.

### ФАХР

Аёнки, ҳар бир ота-она фарзандининг камолини, бахтини кўриш орзуси билан яшади, ўғил-қизининг ҳеч қандам кам бўлмаётган воғга етиши учун астойдил ҳаракат қилади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилганча, ана шундай эзгу ниятларнинг бекаму кўст рўёбга чиқишига кенг йўл очилди. Ёшларимизнинг пухта билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайиши таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-Ватанга садоқат ва фидойилик туйғулари шакллантириш борасида ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Мустақил юртимизнинг бирин-

чи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталгани, 1991 йилнинг 20 ноябридаёқ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ушбу масала бизда нақадар устувор аҳамиятга эга эканлигини яққол тасдиқлайди. Мамлакатимиз Конституцияси ва кўплаб қонунларимизда, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорларида ёшлар масаласи ўз ифодасини топган. Айни пайтда ҳар йилга муайян ном берилиши муносабати билан қабул қилинаётган давлат дастурларида ҳам эртамиз эгаларининг манфаатлари алоҳида эътиборга олинаётган. Хусусан, мантиқан бир-бирига ҳамма ҳам бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол



авлод йили, Мустақам оила йилида кенг миқёсдаги чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши мазкур ислохотлар изчиллигидан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафзуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича аниқ вазибалар белгилаб берилган. Яъни ёшларнинг бахти, келажаги учун ҳамма жиҳатлар инобатга олинган. Бинобарин, Президентимиз шу йилги Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда “Биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдида баланд марралар кўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларини бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз,

ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз”, дея айтган сўзлари оталарча меҳрнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Соғлом ва баркамол авлодни воғга етказишда спортнинг ўрни ниҳоятда бекиёс. Шу мақсадда, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Ўтган вақт мобайнида мазкур жамғарма республикамизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда мустақамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш, уларни бугунги замон талабига мос спорт анжуманлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби қатор вазибаларни амалга ошириш келмоқда.

(Давоми 4-бетда).



### ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилиш устувор вазибалардан этиб белгиланди.

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

мамлакат равнақида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Мазкур вазибаларнинг изчиллиги билан амалга оширилиши ва соҳа ривожини, табиийки, юқори малакали кадрларнинг таъини олиши билан таъминланади. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ана шундай салоҳиятли ёш ҳуқуқшунос-мутахассисларни меҳнат бозорига етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Қайта ташкил этилди ва у юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланди. Вазибалар Мақкамасининг 2013 йил 23 июлдаги қарори билан тасдиқланган низомига кўра, Тошкент давлат юридик университети магистратурасига кириш имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ нормалар бутунлай ўзгартирилди. Балава ва магистрларни тайёрлаш билан боғлиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурлар қайта ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзудаги халқаро конференция иштирокчилари — венгриялик мутахассислар ўз ватанига қайтганларидан сўнг “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида мазкур халқаро анжуман қўшимча ҳосил қилишганини айтишди.

## Венгриялик мутахассислар Тошкент конференцияси ҳақида

Аттила КИШ, Венгрия Қишлоқ хўжалиги вазири ўқуридаги Озик-овқат маҳсулотлари илмий текшириш институти Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва инновациялар бўйича Миллий марказининг директори: — Тошкентда ўтган ушбу халқаро конференция ишида дунёнинг 40 мамлакати ва 20 та халқаро ташкилотидан қарийб 200 нафар хорижий мутахассиснинг қат-

нашгани анжуманнинг юқори даражада ташкил этилганидан далолатдир. У жаҳондаги етакчи молиявий ва илмий муассасалари вакилларига Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги жаҳондаги ривожлантириш бўйича стратегияси билан батафсил танишиш имкониятини яратиб берди. Маълумки, озик-овқат ҳимояси, егулик маҳсулотларнинг хавфсизлиги барча мамлакатлар учун борган сари кўпроқ ва янада кўпроқ стратегик

масалала айланаётди. Бинобарин, ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган озик-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда ишончилигини оширишга талаб катта. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат алоҳида эътиборга сазовор. Мамлакатларимиз бошқа-бошқа минтақаларда жойлашганига қарамадан, бизлар бири-бирига ўхшаш тарихий ва иқтисодий шарт-шароитларга эгамиз. Бу омил бошқалардан фарқли ўлароқ, саъй-ҳаракатларимиз ва ўзаро ҳамкорлигимиз истиқболларига рағбат бахш этади. Зотан, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида кўпгина муштаракликлар мавжуд.

Давлатингиз раҳбарининг мазкур анжуман

(Давоми 2-бетда).



## Биз танлаган тараққиёт йўли — ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ ва энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг 23 йиллик шодиданларига тобора яқинлаштирмоқда. Халқимиз она-Ватанимизнинг шонли тарихидаги ушбу буюк ва ўчмас санани муносиб кутиб олиш, уни кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўраётимиз.

## МАМЛАКАТИМИЗ

### ТАРАҚҚИЁТИ

### ЙЎЛИДА



Хоразмдаги Питнак автомобиль заводи ишга тушган, воҳода автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган бешинчи корхона — “Шовот Подшипник” МЧЖ ҳам ўз фаолиятини бошлади.

## Эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи бешинчи корхона

Жанубий Кореядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада “Дамас”-лар учун ўриндиқ гилофлари ҳамда “Нексия”ларга мўлжалланган 4 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона раҳбари Қўзибой Аннамуратовнинг айтишича, яқин кунларда корхонада 400 минг АҚШ долларилик модернизациялаш тадбирларини бажариш мўлжалланмоқда. Жамоанинг бу режаси амалга ошган, машинасозлик, энгил санаят, маиший техника, қишлоқ хўжалик техникаси воситалари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлланиладиган турли хилдаги подшипниклар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилади. Шу билан бирга, яна қўшимча 20 та иш ўрни ташкил этилади.

Ойбек РАҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

## Ходимлар сони уч баробар кўпайди

“Қорақўл нотўқима” МЧЖнинг бундан саккиз йил аввал 15 нафар ишчиси бор эди. Бугунги кунга келиб жамоа ходимлари сони уч мартага кўпайди.

“Бухоропахтасаноат худудий бирлашмаси” очик акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарнинг нотўқима ўров матоларига бўлган эҳтиёжини қондиришда Қорақўл туманидаги бу субъектнинг ҳиссаси катта. Корхона маҳсулотлари пишиқлиги билан буюртмачиларга маъқул келмоқда. Шу кунларда бу ерда янги замонавий дастгоҳлар харид қилиш ва ўндан зиёда янги иш ўринларини яратиш усти-

да иш олиб борилмоқда. Айтиш ўринлики, кейинги ўн тўрт йил мобайнида вилоятдаги “Қорақўл нотўқима”га ўхшаш кичик бизнес субъектларининг ялли худудий маҳсулотдаги қўшимча 31 фойздан 55,8 фойзгача ўсди. Ҳозир иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 75 фойздан кўпроғи ҳам айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

## Фермер қўшимча тармоқни йўлга қўйди

Тойлоқ туманидаги “Сибё Шавкат Орзу” фермер хўжалигида шу пайтгача богдорчилик, чорвачилик, сабзавотчилик ҳамда мевани қайта ишлаш каби қўшимча тармоқлар мавжуд эди.

Яқинда хўжалик аъзолари сутни қайта ишлаш цехини ҳам ишга туширди. — Ушбу лойиҳа рўёби учун 9 миллиард 900 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди, — дейди хўжалик раҳбари Бахтиёр Маърупов. — Айни пайтда 20 турдаги сўт маҳсулотларини тайёрлаётимиз. Фаолиятимиз кенгайиши ҳисобига 42 та иш ўрни яратилди. Келтирилган ускуналар ёрдамида сутнинг табиий таъми ва ундаги витаминлар тўла сақланиб қолади.

Фермер хўжалиги жорий йилнинг ўтган даврида хорижий ҳамкорларига 1 миллион 200 минг АҚШ долларилик турли мева шарбатлари ва консерва неъматларини экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида мамлакатимизда йирик корхоналарнинг маънавий ва жисмоний эскирган ускуналарини янгилашга

35,6

миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Бунинг ҳисобига ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб этилиб, тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

мамлакат равнақида  
ҳал қилувчи аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бугунги кунда университетда бакалавр босқичида давлат-хуқуқий, фуқаролик-хуқуқий, жиноий-хуқуқий, халқаро-хуқуқий ва тадбиркорлик-хуқуқий фаолият йўналишлари ташкил қилинган бўлиб, махсус фанларнинг ўқув соатлари кўпайтирилди ва ўз навбатида, умумқасбий фанлар, математик ва табиий, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар маълум миқдорда камайтирилди. Амалиёт ўташ муддати 12 ҳафтадан 19 ҳафтага узайтирилди. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанлар эса 18 тадан 10 тага камайтирилиб, магистрантларнинг ўз устида ишлаши, мустақил ишлари ва илмий тадқиқот олиб бориши учун янада кўпроқ қўлайликлар яратилди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида алоҳида мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш амалиёти жорий қилинди. Бакалаврият ва магистратура босқичларида инглиз тилида ўқитиладиган гуруҳлар ташкил этилиб, уларда умумий 14 фан машғулотлари инглиз тилида олиб борилмоқда.

Талабаларда таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил қилиш ва юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ўқитишнинг модуль тизимига ўтиш ва ўқув машғулотларини замонавий шаклларда ташкил этиш (кейс-стади, илмий тақдиротлар, жамоада ишлаш ва бошқа усуллар) йўлга қўйилди. Махсус юридик фанлар, қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари бўйича идоровий тузилмалар-

нинг масъул ходимлари томонидан ўқув машғулотлари ўтказилиётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Олий суди тизимидан 15 нафардан ортиқ, Адлия вазирлигидан ўттиз нафарга яқин ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ўқув жараёнига жалб этилган бўлиб, бу талабаларнинг касбий кўникмалари шаклланиши ҳамда ривожланишида айна мудафидо. Қолаверса, хориқлик профессорлар иштирокида университетда маҳорат сабоқлари ташкил этилаётгани ёш мутахассисларнинг халқаро хуқуқ асосларини чуқур ўрганишларида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Франциянинг Тулуза университети, Япониянинг Осака университети про-

фессорлари томонидан ўтказилган маҳорат сабоқлари талаба-ўшларда катта таассурот қолдирди. Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, бу жараёнда халқаро миқёсдаги ҳамкорлар билан ишлаш ҳамда профессор-ўқитувчи ва талабалар учун хориқий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларида ўқиш ва малака ошириш имкониятини яратиш ишлари ҳам тизимли олиб борилмоқда. Икки томонлама шартнома асосида қатор хориқий таълим му-

ассасалари, масалан, Япониянинг Нагоя ва Осака университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, университетда япон хуқуқини тадқиқ этиш маркази самарали фаолият юритиб келаётгани, ҳозирги кунда Германиянинг Виадринга университети ҳамда Макс-планк номидидаги илмий тадқиқот маркази, Буюк Британиянинг Сити университети билан ҳамкорлик шартномалари тузилаётгани бунга мисолдир. Ёш кадрнинг етуқлиги нафақат тегишли ихтисослик бўйича чуқур билим ва кўникмага эга бўлиши билан белгиланади, балки ундан юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳам талаб этилади. Хулоса ўрнида айтганда, юридик кадрлар тайёрлаш тизимининг янги босқичга кўтарилиши университет битирувчиларининг бандлигини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Чунки, жорий йилда университетнинг бакалавр ҳамда магистр битирувчилари сони 500 нафардан зиёдн ташкил этади ва улар учун олтимишдан ортиқ ташкилот 610 та бўш иш ўрнини таклиф этаяпти. Мана шу рақамнинг ўзидек меҳнат бозорига малакали юридик кадрларга эҳтиёж борлигидан далolat беради. Шуниси аниқки, жамиятда инсон хуқуқлари олий қадрият сифатида намоён бўлишида, қонун устуворлигига эришишда юридик кадрларнинг ўрни ва салоҳияти муҳимдир.

**Отабек БОБОЖОНОВ,**  
Тошкент давлат  
юридик университети  
Маънавият ва маърифат  
маркази раҳбари.

## Венгриялик мутахассислар Тошкент конференцияси ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

**Эржебет НЕМЕДИ,**  
Венгрия Кишлоқ хўжалиги вазирлиги  
хузуридаги Озиқ-овқат махсуслотлари  
илмий текшириш институтининг  
Иновация ва лойиҳалар фаолияти  
бўйича маркази раҳбари:

— “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференцияга қадар бизнинг Ўзбекистон ҳақидаги билимларимиз тўлақонли бўлмаган экан — биз мамлакатининг чуқур ўйланган озиқ-овқат дастури, бу борадаги тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиши қўламлири ҳамда ислохотларнинг “Ўзбек модели”ни бугунгидек билмаган эканмиз. Биз теран англадик, ҳақиқатан ҳам, дунёда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иклим шароитларининг уйғунлиги туфайли юртингизда энг

мазали ҳамда фойдали мева-сабзавотлар етиштирилади. Шу маънода, яна бир муҳим жиҳат диққатга моликдир, яъни мамлакатингиз озиқ-овқат саноатида генларни модификация қилиш технологияларидан фойдаланиш маъқуланмайдики, бу Венгрия учун ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Уйлашимча, озиқ-овқат ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва кишлоқ хўжалиги махсуслотлари ҳосилдорлигини кўчатириш мақсадларида мамлакатларимиз аграр технологияларни модернизациялаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилишида ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин. Биз кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Ўзбекистон ҳамда Венгрия ўртасидаги шартномавий-хуқуқий заминнинг кенгайишига умид қиламиз.

«Жаҳон» АА.

## ИНТИЛИШ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим бўғини, аҳоли бандлиги ва даромадининг барқарор манбаи — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, улар хуқуқларининг устуворлиги таъминланиб, бизнес юритишлари учун зарур шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилаяпти. Биргина мисол, фақат ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари учун рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-тамоийл, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисобот тақдим этиш мuddатлари қисқартирилди.

Ягона солиқ ставкаси 2005 йилда 13 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 5 фоиздан иборатдир. Соҳа вакилларига бўлган бундай юксак гамхўрлик йилдан-йилга ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир. Натижада улар фаолиятини янада эркинлаштириш, тадбиркорларнинг хуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоялаш борасида қўлай ишчан муҳит яратилаяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Хоразм вилояти иқтисодиётида ҳам етакчи тармоққа айланган. Айни кунда вилоятда 10 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият олиб бормоқда. Бугун уларнинг яппи худудий маҳсулотдаги улуши 60,1 фоизни, аҳоли бандлигидаги ҳиссаси эса 78,4 фоизни ташкил этаётганлиги ҳам тармоқнинг иқтисодиётдаги ўрни нечоғли юксалаётганини кўрсатиб турибди. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида тижорат банклари томонидан вилоятда соҳани ривожлантириш мақсадида 111 миллиард 118 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирил-

## ДАВРА СУХБАТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳа доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Одоб-ахлоқ меъёрлари ва ОАВ

“Журналистлар касбий одоб-ахлоқи меъёрларининг долзарб масалалари” мавзусидаги тадбирда электрон ва босма ОАВ, халқаро ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда ахборот соҳасини ислох этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга катта эътибор қаратиляпти. Бунинг учун зарур ташкилий-хуқуқий пойдевор яратилиб, у замон талаблари асосида такомиллаштириб боришмоқда.

Шубҳасиз, кенг шарт-шароитлар қалам аҳли зиммасига янада катта ва шарафли масъулият юклайди. Мазкур фаолиятни профессионализм тамойиллари асосида амалга оширишда эса нафақат қонунчилик, балки одоб-ахлоқ меъ-


ёрларига риоя этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, журналистнинг асосий вазифаси мамлакатда рўйбга чиқарилаётган қўламли ислохотларни кенг ва холис ёритиш, фуқароларнинг масс-медиага бўлган ишончини мустақамлашдан иборат. Давра суҳбатида Ўзбекистон журналистлари Одоб-ахлоқ меъёрлари Касбий кодекси шу жиҳатдан муҳимлиги қайд этилиб, унинг янги тахрири лойиҳаси батафсил муҳокама этилди. Шу ўринда мазкур ҳужжат жорий йилнинг май ойида биринчи бор соҳа вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, билди-

рилган таклиф-мулоҳазалар унинг янгиланган вариантга киритилгани ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Тадбирда мавзуга оид бир қатор йўналишларда маърузалар тинланди. Сайлов кампанияси даврида одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш, халқимиз менталитети, маданияти ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда долзарб ижтимоий муаммоларни ёритиш, ОАВ ишининг одоб-ахлоқ нуқтаси назаридан ўзига ҳок жихатлари каби мавзулар шулар жумласидандир. Айни чоғда хориқ тахрибаси муҳокама этилиб, халқаро экспертлар билан “телекўприк” уюштирилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон журналистлари Одоб-ахлоқ меъёрлари Касбий кодекси янги тахрири лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Сайджон МАХСУМОВ.



## Беқийёс имконият, имтиёз ва эътибор

тадбиркорлар ютуқларида муҳим омил бўлмоқда

гани ҳам соҳага эътибор юқори-лигидан далolatдир.

Хонқа туманининг Мадир қишлоғида фаолият юритаётган трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Хонқа чевар” масъулияти чекланган жамияти 2009 йилда тадбиркор Х. Бекметов ташаббуси билан иш бошлаган эди. Бунинг учун дастлаб 80 миллион сўм миқдоридagi банк кредитига Хитойдан 15 та тикув дастгоҳи келтирилди. Замонавий технология билан жиҳозланган корхонада шу тариқа 20 та иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда 18 турдаги трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан икки йил муқаддам корхонада яна бир ангилликка қўл урилди. Банк томонидан ажратилган 247 миллион сўмлик кредит эвазига хориқдан трикотаж газ-

лама ишлаб чиқаришга мўлжалланган технология келтирилди. Натижада ўзлари учун керакли хом ашё шу ерда тайёрлана бошланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортиши билан бирга, махсус тури кўпайди. Айни чоғда бу ерда тикувчилик корхоналарига трикотаж матоси етказиб берилмоқда. Бугун ишчилар сони 40 нафарга етди, муҳими, уларнинг кўпчилиги касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Жорий йилнинг бошидан буён бу ерда 681 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди. Улар бозорбоп, сифатли ҳамда импорт ўрнини босадиган бўлгани боис харидорлар эътиборини қозониб улгурди. Бунинг натижасида яқинда жамоа ўз маблағи ҳисобидан 100 миллион сўмлик янги дастгоҳ сотиб олди.

— Махсулотимизнинг нархи арзон, сифати эса хориқниқдан қолишмайди, — дейди корхона раҳбари Хушнуд Бекметов. — Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, ишчи-ҳодимлар даромадини оширишни ният қилганми. Йил охиригача 1 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалимиз бор. Ҳозир келажакда маҳсулотнинг 50 фоизини экспорт қилишни, янги дастгоҳлар келтириб ўрнатишни ва ишчилар сонини 80 нафарга етказишни режалаштирганми. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажминини 4 миллиард сўмга етказиш истиқболдаги муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.  
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Диққат, танлов!

### «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва

ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-фтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютук ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!” деган эзгу гоғни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улуг, энг азиз” танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспортни нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиқ телефонлари.

Танловга 2013 йилнинг 1 августидан 2014 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоийш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил 5 августгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида мукофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Энг улуг, энг азиз” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй.**  
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,**  
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,**  
**Ўзбекистон “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси.**  
**Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.**

## Амалий таклифлар, ноёб ишланмалар

Анджон давлат университетиде “Юрт келажиги” иқтидорли ёшлар республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг қуйи босқичларида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 3 минг 128 нафар ўғил-қиз қатнашди.

«ЮРТ КЕЛАЖАГИ — 2014»



Соғлом рақобат шароитида сараланган 275 нафар иштирокчи 16 номинация бўйича ўз иқтидор ва салоҳиятини вилоят босқичида яна бор намоийш этди. Хар бир йўналиш бўйича тақдим қилинган ишларни нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

“Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида ижод қилувчи ёшларнинг бисёрлиги бу борада иш олиб бораётган таълим муассасалари фаолиятдан дарақ беради.

— Танловда миниатюралар ҳамда акварель, мойбўёқ ёрдамида ишланган йигирмадан ортиқ асарларим билан қатнашдим, — дейди Анджон санъат коллежининг 2-босқич ўқувчиси Халидадон Солиева. — Шунингдек, тендошларим ижодидан баҳраманд бўлдим, тахрибасини ўргандим.

“Техник лойиҳалар” номинациясида намоийш қилинган ишланмалар ҳам кўпчиликнинг диққатини тортиди. Балқич индустриал-педагогика коллежи 1-босқич ўқувчиси Шахризод Мусабоев томонидан яратилган қуёш панеллари ёрдамида ҳаракатланувчи



электромобил макети бунга мисол бўла олади.

— У соатига 120 километрга тезликда ҳаракатланади, — дейди Шахризод. — Тез орада электромобилнинг асл нусхасини йиғишни режалаштирганман. Бу лойиҳамга “GM-Uzbekistan” қўшма корхонаси мутахассислари ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Республика дизайн коллежининг 2-босқичида таҳсил олувчи Ботиржон Толибжонов эса “Архитектура ва интерьер дизайни” йўналишида қат-

нашмоқда. Унинг тўрт ишланмасидан бири — экомехмонхона биноси. Муаллиф фикрига кўра, дов-дарахтларга бурканган 17 қаватли мухташам иморат кислород ишлаб чиқаради.

Танлов натижаларига кўра, энг яхши лойиҳалар муаллифлари республика босқичида иштирок этиш хуқуқини кўлга киритди.

**Сайджон МАХСУМОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.  
Хурсанбех АРАББОВ  
олган суратлар.

## Чортоқнинг минералларга бой маъданли суви қадоқланмоқда

“Чортоқ” сихатгоҳи минерал моддаларга бой шифобахш суви билан машхур. Мутахассисларнинг фикрича, 500 метр чуқурликдан чиқётган ушбу обиҳаёт таркибиде инсон организмиде учун зарур бўлган 7 турдаги минерал мавжуд.

## ИЗЛАНИШ

Яқинда “Чортоқ маъданли сувлари” масъулияти чекланган жамияти шифобахш суви қадоқлаб, дорихона ва савдо шохобчаларига етказиб беришни йўлга қўйди.

Мазкур лойиҳа ижросида банкдан олинган 180 миллион сўмлик кре-

дит қўл келди. Ишга туширилган замонавий технология ёрдамида йилга 1,2 миллион донагача маҳсулот тайёрлаш мумкин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: "Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, болалар, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш".

шуғулланишлари учун шароит яратиш; — болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

тириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш; — болалар ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф-муҳит муҳофазаси борасида тасаввурини шакллантириш;

сида кўп асрлик ҳамда синовдан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди раҳбари қўллаб-қувватланади.

— етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш; — алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;

— ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни фаровон ҳамда соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш; — ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асо-

Танловда катнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган қузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

ватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин. Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар кун соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш. Бунёдор шоҳжўчаси, 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт. Танловда катнашиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фонднинг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Испания меҳнат бозори ижобий томонга ўзгармоқда. Жумладан, ўтган ойда ушбу мамлакатда ишсизлар сони 122,7 минг кишига камайган.

Меҳнат бозорида ижобий ўзгариш



Бунда хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида мавсумий иш ўринларининг очилгани алоҳида аҳамият касб этади, дейилади "Евро-ньюс" телеканали хабариди. Шундай қилиб, Испанияда меҳнат билан банд бўлганлар сафи 16,6 млн

лион кишига етди. Ишсиз сифатида рўйхатга олинганлар эса эндиликда 4,5 миллион нафарни ташкил қилмоқда. Ҳукумат вакиллари меҳнат бозоридаги ижобий силжишни фақат мавсум билан боғлаш керак эмас, дейишапти. Чунки мамлакатда, кетма-кет 11 ойдири, ишсизлар сони қисқариб бораётди.

Тўфон хавфи

АҚШнинг шарқий соҳилларида "Артур" тропик тўфони ақинлашиб келаётгани боис Шимоллий Каролина штатидаги Хаттерас ороли аҳолисини хавфсиз жойга кўчириш бошланди.



верса, табиий офат таҳмин қилинганидан анча хавфли бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Американиқлар тўфон мамлакат миллий байрами — мустақиллик куни шуқуқига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирда. АҚШда охири бор рўй берган энг кучли дувол 2012 йилдаги "Сэнди" бўлиб, у тўфайли 111 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Ушунда мамлакат иқтисодига 50 млрд. доллар атропофид зарар етган.

Қамровини кенгайтирмоқчи

Хитойнинг "Хиаоти" компанияси жорий йилнинг биринчи ярмида мобил қурилмалар бозорига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб тўрт баравар кўп смартфон етказиб берди.

Хусусан, 2013 йилнинг январдан июнига қадар 7,03 миллион дона ана шундай алоқа воситаси ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йилнинг олти ойида мазкур кўрсаткич 26,1 миллион донани ташкил қилди. Компания маҳсулотлари савдоси ҳажми 149 фоиз ўсди.

"Хиаоти" йил якунигача жами 60 миллион дона смартфон етказиб бериши режалаштирган. Ушбу компания ҳозирги кунда ўз маҳсулотлари ва хизматларини, асосан, ички бозорда тақлиф этапти. У яқин келажакда Жануби-Шарқий Осиё, Ҳиндистон, Бразилия ва Мексика бозорини забт қилмоқчи.

Бобосининг рекордини янгилади

Таниқли океаншунос тадқиқотчи Жак Ив Кустонинг набираси Фабьен сув остида узок вақт давомида олиб борган изланишлари тўфайли бобосининг рекордини янгилади.



лишича, унинг 81 тонналик "Ковга" номли сувости лабораторияси 20 метр чуқурида иш олиб борган. Мазкур лаборатория оптик ва катодли каравот, кичик ошхона, компьютер, сувни иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимлари билан жиҳозланган. Жак Ив Кусто 1963 йилда "Коншельф — 2" номли станцияда 30 кун мобайнида тадқиқот олиб борган эди.

Ҳайдовчилар хизматида сунъий қурилма

Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги аэропортдан фойдаланувчиларга антика хизмат тақлиф этилмоқда.



Эндиликда бу ерга шахсий автомобилда келганлар улловни тўхташ жойига қўйиш учун мажбур хизматчидан фойдаланишади. Бу шунчаки оддий хизматчи эмас, балки роботдир. Унга тизимчи "Рэй" деб ном қўйилган. Робот бир ўзи 249 уринли тўхташ жойида ишлайди.

Замонавий дастёр 3,5 тоннагача бўлган машиналарни кўтариб, бўш жойга олиб бориб қўяди. Бунда ҳам маблағ, ҳам вақт тежалди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, олий тоифали кинорежиссер Шавкат ЖУНАЙДУЛЛАЕВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди жамоаси Фонд Тиббий-ижтимоий маркази бош мутахассиси, акушер-гинеколог Сияра ДЖАМБЕКОВА падары бузрукворы СУЛЕЙМАН отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФАМХЎРЛИК

Пойтахтимиздаги "Локомотив" истироҳат боғида "Хар бир болага — меҳр-этибор!" шиори остида хайрия тадбири бўлиб ўтди. У "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Барча шодлик — болаларга

Болаларга қувонч улашишнинг завқи бўлақча. Айниқса, мурғак қалбида меҳр-муҳаббатга, гамхўрликка умиддорлик бўлса, бундай болаларнинг қўзида шодлик учқунларини кўриш кишига ўзгача ҳузур бахш этади. Хайрия тадбирига тақлиф қилинган ўғил-қизларнинг мамун чехрасига боқиб, ана шу ўйлар кечади кўнглидан. Бу болалар Олмалик, Чирчиқ, Ангрэн шаҳарлари, Зангиота, Бўстонлик, Урта Чирчиқ, Янгийўл ва Бўқа туманларидан келган, кам таъминланган, боқувчиси йўқотган оила фарзандлари ҳамда ота-онасиз, ногирон ва имконияти чекланган ўғил-қизлардир.

186 ўғил-қизни бағрига олган мактабимиз 2007 йилда қайта реконструкциядан чиқарилиб, замонавий шарт-шароитга эга бўлди. Муассасамизда болаларнинг ақлий имкониятидан келиб чиқиб, кўпроқ касбий билим ва кўникмаларини оширишга ҳаракат қиламиз. Қиз болалар, асосан, тикувчилик, тўқувчилик хунарини эгалласа, ўғил болаларга дуррадорликдан сабоқ берилади. Бундан ташқари, тарбияланувчиларимизнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши учун ҳам барча қулайлик мавжуд. Бугун ўтказилаётган ва алоҳида таъкидлашни истардимиз, доимий равишда ўтказиб келинадиган мана шундай тадбирлар тарбияланувчиларимиз учун чинакам байрамга айланади. Муҳими, бу болалар давлатимизнинг гамхўрлигини, ҳеч қачон эътибордан, меҳрдан четда эмаслигини ҳис қилиб улғаймоқда. Шу кунги кўркем, сўлим истироҳат боғидаги замонавий аттракционлар болаларнинг ихтиёрида бўлди. Бу мароқли хордик уларда унутилмас таассурот қолдиради.

Фарида МАҲКАМОВА.

Коллеж битирувчисининг орзуси ушалди

Чирчиқ шаҳар тиббиёт коллежи битирувчиси Чарос Тоштаеванинг орзуси ушаладиган бўлди.

Маълумки, таълим муассасаларининг биллими ва қобилияти ўқувчиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама

баҳсларда муваффақиятли катнашган Чарос Тоштаева биология фани бўйича тендошларидан устун эканлигини исботлади. Танловнинг барча қолиблари қатори у ҳам ўзи истаган олий таълим муассасасига тест синуви ва қўшимча имтиҳонларсиз кириш ҳуқуқига эга бўлди. — Қувончимнинг чеки йўқ, — дейди у. — Чунки коллежни тамомлаган, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасасида таҳсилни давом эттириш ва келажакда малякали шифокор бўлишни ният қилганман. Озиим ушала боллаганидан жуда хурсандман. **Файрат ШЕРАЛИЕВ, "Халқ сўзи" муҳбири.**

Хўрматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Ипотека-банк» АТИБ ўз балансидаги корхона улушини сотиш мақсадида тақрорий ташкил қилинаётган савдога тақлиф этади.

Table with 5 columns: Object name, Location, Auction object, Offered amount, and Auction currency. Row 1: «Valley Mountain's Fresh» МЧЖ, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 11-уй, Мева ва полиз экинларидан концентрат ва порелар, томат пасталари, шиша идишларга қадқолганг тузланган ва маринадланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 7 557 000 000, Битим тузиш кундаги УЗР МБнинг амалдаги чет эл валютасига бўлган расмий курси

Сотиш куйидаги тартибда амалга оширилади. Очик аукцион шартлари.

Аукцион голлиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олдинсотиш шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзига бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз тўланади. Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомалар талабгор ёки унинг вакили томонидан ташкилотчига икки нусхада (шахсан ёки почта орқали) қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган тарзда тақдим этилади: ● юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг

шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; ● жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомаат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; ● аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган сандан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда катнашиш истагидаги талабгор мажбурийлар баҳарилишининг таъминлини сифатида объект бошлангич баҳоси қийматининг 0,5 фоизи миқдоридан закатат тўлаши ва аукционда иштирок этиш учун буюртманоме бериши лозим. Бунда голлиб томонидан тўланган закатат пули шартнома суммасига киритилади.

Ушбу сотилаётган банк объектлари билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар куйида кўрсатиб ўтилган манзилда танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари 2014 йил 16 июль кун соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Хизматлар лицензияланган.

САВДО ТАШКИЛОТЧИСИ МАНЗИЛИ ВА АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

Сотувчи (тижорат банки) «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали: 150100, Фарғона шаҳри, Комус кўчаси, 38-уй. Телефон: (8-373) 224-33-59. Факс: (8-373) 224-91-80.

«Ипотека-банк» АТИБ бош офиси манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳжўчаси, 17-уй. Мурожаат учун телефон: (8-371) 150-89-30. Факс: (8-371) 150-89-31. Электрон почта: info@ipotekabank.uz

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 29 июль кун соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан: 1. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м. бўлган икки қаватли ва ертўлали уй-жой. Бошлангич баҳоси — 674 653 602 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (аввалги Ш. Қозқобоев) кўчаси, 126-А/а уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой. Бошлангич баҳоси — 337 682 696 сўм.

II. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Сергели тумани судининг 2013 йил 7 октябрдаги 1-693-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлик-5 мавзеси, Халқобод маҳалласи, Толариқ канали бўйида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 107 кв.м. бўлган 1 қаватли болалар спорт майдончаси ва савдо шохбачалари. Бошлангич баҳоси — 129 706 920 сўм.

III. Суд қарорларини ижро этиш департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 февралдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» ҚФЙ, Оқ олтин маҳалласида жойлашган, умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган тураржой. Бошлангич баҳоси — 107 760 000 сўм.

IV. Суд қарорларини ижро этиш департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошлангич баҳоси — 1 317 621 690 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш ҳудуди. Бошлангич баҳоси — 2 808 670 000 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м. бўлган чойхона. Бошлангич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.

- 4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м. бўлган автосарой бинолари. Бошлангич баҳоси — 604 310 000 сўм. 5. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулло қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м. бўлган дала-ҳовли. Бошлангич баҳоси — 653 690 000 сўм. 6. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155 кв.м. бўлган сартарошхона ва дўкон. Бошлангич баҳоси — 379 280 000 сўм. 7. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳжўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошлангич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.

2014 йил 5 август кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар, Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 16 октябрдаги 1-4437/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-квартал, 20-уй, 83-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 59,19 кв.м., тураржой майдони 37,46 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич баҳоси — 85 000 000 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 28 февралдаги 10-1307/7167-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 16-квартал, Қатортол кўчасида жойлашган, умумий майдони 708 кв.м. бўлган савдо расталари мажмуаси. Бошлангич баҳоси — 370 127 200 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш қилари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда, соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаши шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Хизматлар лицензияланган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Этибор беринг: биргина 2013 йилнинг ўзида 113 та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 та болалар мусика ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бугунги кунда юртимизда икки миллионга яқин бола, шу жумладан,

### 842 000

нафардан зиёд қиз 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланаётгани илохотларнинг амалий натижасидир.

— Юртбошимиз ҳар бир чиқиларида болаларимизга муносиб шарт-шароит яратиш, ҳеч қимдан кам бўлмаган улғайишлари учун куч ва маблагни аямаслик лозимлигини таъкидлайдилар, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Мамур Саидқосимов. — Шу йилнинг 28 январь куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам, жумладан, “Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб кўрмишни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилошти билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз”, деган сўзла-

ри бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Қаранг, 2013 йилда республикамиз бўйича болалар спорт объекти, мусика ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бу шунчаки рақам эмас. Бу баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишлари-

Ўтган йиллар давомида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида кўшимча равишда ҳар бир мактабга 4 тадан, жами 370 миллион сўмлик теннис столлари ҳамда 30 миллион сўмлик микдордаги шахмат-шахмат калар ажратилди. Қолаверса, 22 та сузиш ҳавзаси қайта таъмирланиши ва жиҳозланиши натижасида сузиш, синхрон сузиш каби спорт турлари

шаётган вақилларимиз Ўзбекистонда мустақиллик йилларида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлод вояга етатганини амалда исботлашмоқда. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Ўтган йили Шри-Ланкада шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган IX Осиё чемпионатида қитъамизнинг ўн тўрт давлатидан 400 нафарга яқин шахматчи голиблик учун куч синашди.

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида хали мактаб партердаги дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган халқаро турнирлар, жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятга



рашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақтда шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир.

— Мамлакатимизнинг барча жойларда бўлган каби Соғлом бола йилида Тошкент шаҳрида ҳам болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш тадбирлари изчил давом эттирилмоқда, — дейди М. Саидқосимов. — Хусусан, йил якунига қадар битта спорт объекти ва битта ёпиқ сузиш ҳавзасини қуриш, 5 та мусика ва санъат мактаби ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика олий спорт маҳорати мактабида реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бунда Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирган фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари биз учун муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Шавкат Ортиқов, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ ошган суратлар.

## Қисқа фурсатда кўриш қобилияти тикланади

Сирдарё вилояти кўз касалликлари шифохонасида йўлга қўйилган ультратовуш воситасидан сўнг кўз гавҳари хиралашган беморларнинг кўриш қобилияти тўлиқ тикланмоқда.

Яъни ушбу ноёб тиббий технология ёрдамида кўзга ўрнатилган сунъий гавҳарлар қисқа вақт ичида юқори даражада кўриш имконини беради. Беморга бунинг учун бир кун кифоядир. Муҳими, у муолажадан сўнг меҳнат лаёқатини умуман йўқотмайди, аксинча авлоднинг ҳам бемалол бошқариши мумкин. Яна бир жиҳат — ушбу мураккаб жарроҳлик амалиёти, бор-йўғи, 15-20 дақиқада бажарилади.

— Мазкур тиббий ускуна Швейцариянинг “Алкон” фирмасидан келтирилди, — дейди бош шифокор Расул Каримов. — Яқин кунларда у ердаги ҳамкорларимиздан яна 4 та тиббий жиҳоз оламиз. Натижада глаукома, катаракта сингари кўз касалликлари бўйича лазер орқали жарроҳлик амалиётлари ўтказиш имконияти яратилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ

дан бири эканлигини тасдиқловчи рақамдир.

Биргина Тошкент шаҳри мисолида айтиладиган бўлсак, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият бошлаганидан буён ҳудудда 82 та спорт иншооти, 25 та мусика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга 73,1 миллиард сўм сарфланди. Шунингдек, спорт мажмуалари зарур жиҳозлар ва инвентарлар билан таъминланди.

Айни пайтда пойтахтимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 141 минг 552 нафар ўқувчи-ёшлар спорт билан шуғулланмоқда. Улардан 63 минг 887 нафари қизлардир. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 10,2 соатни ташкил этапти.

бўйича йўлга қўйилган машғулотларга қатнаш истагини билдирганлар сони сезиларли даражада ортди. Масалан, 2003 йилда 2451 нафар ўғил-қиз сузиш спорт турлари билан шуғулланган бўлса, 2013 йилга келиб уларнинг сони 5314 нафарга етди. Бадиий ва спорт гимнастикаси, футбол, кўл түпи, волейбол, баскетбол ва шахматга бўйича сақиз, рапид ёшлар сафи ҳам 3-4 баробар ошди.

— Юртимизда спортга қаратилган бекиёс этибор янги-янги истеъдодларни кашф этиш имконини бераётди, — дейди пойтахтимиздаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича мураббий, “Шухрат” медали соҳиби Равшан Шукуров. — Халқаро мусобақаларда қатна-

Чемпионат дастуридан ўрин олган энг мураккаб мусобақа — классик шахмат баҳсларида 13 ёшли спортчимиз Ортиқ Нигматов тўққиз партиянинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилиб, рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. У блиц шахматда ҳам олтин медалини кўлга киритди. 11 ёшли Шамсиддин Воҳидов эса классик шахмат бўйича сақиз, рапид турнирида олти очко жамғариб, икки карра Осиё чемпиони, деган шарафли номига сазовор бўлди. Бундай ютуқлардан ҳар биримиз, албатта, фахрланамиз. Келгусида Ортиқ ва Шамсиддин сингари кўплаб истеъдодларимиз бундан-да нуфузли мусобақаларда қатнашиб, Ватанимиз довуруғини янада оширишга ўз ҳиссаларини қўшишига ишонамиз.

эришаётган ёшлар ҳақида фикр билдириб, жумладан, ўтган йили ана шундай натижа кўрсатган 86 нафар иқтидорли ёш спортчини рағбатлантириш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида этибор қаратди. Улар орасида Тошкент шаҳри вақиллари ҳам кўпчилигини ташкил этади. 2013 йилда пойтахтимиз ўқувчи-ёшлари нуфузли халқаро мусобақалардан 52 та олтин, 29 та кумуш ва 21 бронза медали билан қайтишгани фикримиз тасдиғидир. Муҳими, ёшларимиз ушбу муваффақиятлар қандай омиллар билан боғлиқ эканини жуда яқин билишади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт майдонларида эришилган ютуқлар — аввало, шу йўлда тинимсиз интилиб, ку-

## Ўттиз йилда очиладиган гул

Эртанинг умиди билан яшаган инсоннинг ишида унум, рўзғорида барака, турмушида хайр бўлади. Гулчилик ва кўчатчилик билан шуғулланадиган кишилар учун ҳам бундай туйғулар бегона эмас. Биламизки, инсон руҳиятига нафақат атрофнинг саранжом-сариятталиги, балки экилган дарахту буталар, анвойи гуллар ҳам ижобий таъсир этади ва ишчанлик кайфиятини оширади.

### ОБОДЛИК



Айниқса, кўча ва хиёбонларга қишин-ёзин ўзгача тароват бағишлайдиган манзарали буталар, гуллар, ям-яшил майсалар кишини эътиборсиз қолдирмаслиги аниқ. Бундай гўзаллик ортида ўнлаб кишиларнинг баракали меҳнати, фидойилиги ётади, десак, муболаға бўлмайди.



Бугунги кунда Тошкент шаҳар “Манзарали, богдорчилик ва гулчилик” масъулияти чекланган жамияти тасарруфида 302 гектар майдон бўлиб, уларнинг 15 гектарини иссиқхона, қолган қисmini ҳайдалади-ган очик майдон ташкил этади. Иссиқхонада йил давомида кўп йиллик ўсимликлар кўчатлари, игнабаргли, манзарали бутасимон дарахтлар, гул ва майсалар етиштирилса, очик далада арча, бута, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари парваришланади. Айтиш мумкинки, кўплаб вазираликлар, корхона ва ташиқлотлар билан тузилган шартномалар асосида фаолият юритаётганимиз ишимизда яқин самара бермоқда. Биргина ўтган йили Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасидан ташқари, Тошкент шаҳри ва пой-

тахт вилоятида бунёд этилган коллеж ва лицейлар, мактаблар, шифо масканларига катта миқдордаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари етказиб берилди.

Иссиқхонамида гўзал орхидеядан тортиб, ватани Голландия, Бельгия сингари мамлакатлар ҳисобланган петунья, антирениум, катарантус, сальвия сингари ноёб гуллар ҳам ўстириладики, уларни мамлакатимиз иқлимга мослаштириш, кўпайтириш мутахассисларимиздан доимий илмий изланишлар олиб бориш, ўқиб-ўрганишни талаб этади.

Ҳатто, қишнинг қорлиқировли кунларида ҳам маъмурий бинолар фойдеси, иш ва ўқув хоналарида ўз чиройи билан эътиборингизни тортадиган гуллар очилиб, ан-

войи бўй таратиб, кайфиятингизни чоғ қилса, биллингки, бу гулчиларнинг меҳнати самараси. Корхонамида ишлаётган 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчи изланиб, турли хил ноёб гуллар турларини ўстиришга ҳаракат қилишапти. Чунончи, худудимизда лола ва сирка дарахтлари парваришланаётгани, уларни кўпайтириш борасида изланишлар олиб борилаётгани фикримиз тасдиғидир. Ушбу дарахтларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларни ўстириш учун камида уч йил сарфланади. Масалан, хризантема, агава, астра,

шойигул, шамшодгулларнинг ҳам тури хилма-хил бўлгани каби, парвариш-лаш технологияси ҳам турлича. Биргина “агава” деб номланувчи гулни олсак, умри давомида бир мартагина, салкам ўттиз йилда гуллайди. Айрим гуллар эса, йил давомида бир марта, бир неча соатгагина гуллайди. Ана шу гўзаллик учун ходимларимиз ойлаб меҳнат қилишига тўғри келади.

Бунёд этилаётган гулзорлар сеҳридан ҳар бир киши олам-олам завқ туйди. Бу эса уларни парвариш этаётганлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Зеро, ўзгаларга яхшиликлар илиниб яшаш улғу саодатдир.

Моҳира АКБАРОВА, Тошкент шаҳар «Манзарали, богдорчилик ва гулчилик» МЧЖ агроном-энтомолог.

### «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» янги турдаги омонатларни таклиф этади:

<p><b>«Тежамкор»</b> Омонат тури — миллий валютадаги муддатли омонат. Муддати — 3 ой. Қўшимча шартлари — фойз даромади ҳар ойда тўланади.</p>	<p><b>«Бинафша»</b> Омонат тури — миллий валютадаги жамғарма омонат. Муддати — 3 ой. Қўшимча шартлари — фойз даромади ҳар ойда тўланади.</p>
<p><b>«Ишончи даромади»</b> Омонат тури — миллий валютадаги муддатли омонат. Муддати — 6 ой. Қўшимча шартлари — фойз тўлови омонатчининг пластик картаси ҳисобоварига ҳар 2 ойда олдиндан ўтказиб берилади.</p>	<p><b>«Оила капиталы»</b> Омонат тури — АҚШ долларидagi жамғарма омонати. Муддати — 12 ой. Қўшимча шартлари — фойз даромади ҳар ойда Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.</p>

**ИШОНЧЛИ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ОМОНАТЛАР!**

Шунингдек, коммунал тўловларни тўлашда янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида миллий валютадаги 12 ойлик «КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР УЧУН» омонатини таклиф этамиз. Ушбу омонат бўйича фойз даромади ҳар ой омонатчининг ойлик коммунал тўловига ўтказиб берилади.

**Омонатчилар диққатига!**

- омонатга аҳолидан пул маблағлари чекловсиз қабул қилинади.
- омонатчилар тўғрисида маълумотлар сир сақланади.
- «Ўзсаноатқурилишбанк»даги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланган.

Call-марказ: (8-371) 200-43-43.  
**Вақт давомида синалган ишонч!**  
[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz) Хизматлар лицензияланган.

## Таътилга туҳфа

Қибрай туманидаги “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида барпо этилган мазкур иншоотда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилган. — Туманимиздаги 48 та мактаб, 8 та коллеж, битта академик лицейда 308 та спорт тўғараги ташкил этилган, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлини маси ходими Хусан Авазमतов. — Таълим масканларида бўлганидек, маҳалларда ҳам намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган спорт майдончалари ёшларнинг сеvimли масканига айланапти. Яқинда Селекция ва Қизил шалола маҳаллалари болалари ҳам ана шундай қулайликдан баҳраманд бўла бошладилар.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

## Унутилмас, бетакроп онлар

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди қатор ҳомий ташкилотлар кўмағида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг ёзи таътилни мазмунли ўтказишига кўмаклашиш мақсадида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Бу борадаги сазй-ҳаракатлар самарасида Самарқанд туманидаги “Оҳалик” оромгоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож 320 нафар ўғил-қиз, Бўстонлик туманидаги “Конструктор” оромгоҳида 200 нафар ўқувчининг мароқли дам олиш имконияти яратилди.

Аббос ЭРГАШЕВ.

www.xs.uz «Бразилия — 2014»: Футбол бўйича жаҳон чемпионати чорак финалида қуйдаги жуфтликлар ўзаро баҳс юритади: Франция — Германия, Бразилия — Колумбия, Аргентина — Бельгия, Голландия — Коста-Рика.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — О. Файзиев. Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5